



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2019 йил III чорак

Тошкент 2019 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----------|
| ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ | 3 |
| ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ | 8 |
| I. Сўров иштирокчилари таркиби | 8 |
| II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари | 9 |
| III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари | 12 |
| IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари | 14 |
| V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари | 18 |
| VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари | 20 |
| VII. Кредитга бўлган муносабатни ўрганиш натижалари | 21 |
| VIII. Келгусида иқтисодиётдаги ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари | 23 |

ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР

Иқтисодиётдаги инфляция кутилмаларни аниқлаш бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра 2019 йилнинг III чорагида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги нархлар ўзгариши борасидаги кутилмаларига ёқилғи-энергетика маҳсулотлар нархлари ўзгартирилишининг эълон қилиниши ва оширилиши юқори таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида августда кутилмаларнинг 2018 йилдан бери энг юқори кўрсаткичи қайд этилди.

Сентябрга келиб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қисқа муддатли кутилмаларида пасаявчи тренд кўзатилди, аммо ўрта муддатли кутилмалари юқори даражада сақланиб қолди.

Шунингдек, III чорада миллий валютанинг юқорироқ суръатда қадрсизланиши ва давлат секторидида иш ҳақларининг навбатдаги индексацияси инфляция кутилмаларга қўшимча босим шаклланишига хизмат қилди.

2019 йил якунига қадар бир марталик омиллар таъсири камайиши натижасида инфляция кутилмалар аста-секин пасайиб боради. Мўтадил паст даражадаги инфляция кутилмаларга эришиш учун уларга таъсир этувчи омилларни барқарорлаштириш ва уларга боғлиқ ўзгаришларни олдиндан аниқлаш имкониятларини ошириш талаб этилади.

Сезилган инфляция

Биринчи ярим йилликдаги барқарорлашишдан сўнг III чорада энергия ресурслари нархларининг эркинлаштирилиши доирасида тўловларнинг оширилиши, иш ҳақининг ўсиши ҳамда миллий валютанинг қадрсизланиши шароитида сезилган инфляция индексининг ўсиши кузатилди ва бу ҳолат нарх-навонинг амалдаги тенденциясига кўп жиҳатдан мос келади.


Хусусан, 2019 йил сентябрь охирига келиб жисмоний шахслар томонидан сезилган инфляция индекси 760 бандгача, юридик шахслар томонидан эса 720 бандгача кўтарилди (1-расм). Шу билан бирга, жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан сезилган инфляция даражаси бўйича берилган саволга жавобларининг ўртача медиана кўрсаткичи “нархлар аввалги даражада кўтарилди” жавобига мос бўлди (9 ва 12-расм).

2019 йилнинг III чорагида нархлар “юқори даражада ошди” жавобини қайд этган респондентларнинг улуши ўтган чорака нисбатан сезиларли даражада ошди, ҳамда “бироз ошди” ва “нархлар аввалги даражада ошди” жавобларини қайд этган респондентларнинг улуши камайди (расм 2).


Шу билан бирга, сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизи жорий йилнинг III чорагида нархлар ўсишининг асосий омилларидан бири сифатида солиқ юкининг ортишини қайд

1-расм. Сезилган инфляция индекси динамикаси

а) аҳоли



б) тадбиркорлик субъектлари



этдилар. Бу эса ўз навбатида солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилаётган инфляция даражасига таъсирининг сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Айни вақтда, айирбошлаш курсининг нисбатан барқарор бўлишига олиб келадиган ички ва ташқи макроиктисодий шароитларнинг сақланиб қолиши келгусида “нархлар бироз ошди” деб ҳисоблаган респондентлар сонининг кўпайишига ҳамда мос равишда “нархлар юқори даражада ошди» деб ҳисоблаган респондентлар улушининг қисқаришига олиб келишига замин яратади.

Инфляцион кутилмалар

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари, июль-август ойларида сезиларли даражада ошишига қарамай, 2019 йил III чораги охирида пасайиш кузатилди.


Хусусан, 2019 йил августига келиб, жисмоний шахсларнинг қисқа муддатли кутилмалари индекси (келаси ой учун) 2019 йилнинг июнь ойига нисбатан 209 бандга, юридик шахсларнинг кутилмалар индекси эса 183 бандга ошди. Сентябрь ойида аҳолининг қисқа муддатли кутилмалар индекси август ойига нисбатан 92 бандга, корхоналарнинг кутилмалари эса 67 бандга пасайди (3-расм).

Август ойида аҳоли ҳамда корхоналарнинг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индекси июнь ойига нисбатан юқори ошиши, нархларнинг “юқори даражада ошиши”ни кутган респондентлар улушининг ўсиши ҳамда “бироз ошиши”ни ва «нархлар ўзгармаслигини» кутган респондентлар улушининг камайиши билан боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, сентябрда қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индексининг пасайиши нархлар “бироз ошиши”ни ёки “ўзгармасдан қолиши”ни кутган респондентлар улушининг ортиши ҳамда нархлар “юқори даражада ошиши”ни кутган респондентлар улушининг қисқариши ҳисобига шаклланди. Аҳоли ва корхоналарнинг қисқа муддатли инфляцион кутилмаларининг медиана усули бўйича ҳисобланган ўртача баҳоси келгуси ойда нархлар “аввалги даражада ошади” жавобига мос бўлди (17 ва 19-расм).


2019 йилнинг III чораги охирига қадар қисқа муддатли инфляцион кутилмаларнинг пасайиши бир марталик хусусиятга эга

2-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция бўйича жавоблар тақсимоти ўзгариши




3-расм. Қисқа муддатли инфляцион кутилмалар индекси динамикаси

а) аҳоли



б) тадбиркорлик субъектлари



бўлган омиллар таъсирининг маълум даражада пасайишини кўрсатади.

2019 йилнинг III чорагида ўрта муддатли истиқболдаги инфляцион кутилмалар (келгуси 12 ой учун) қисқа муддатли кутилмаларига хос тенденцияга эга бўлди. Хусусан, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари кутилмалари августда ўтган ойларга нисбатан сезиларли даражада ошди (2019 йилнинг июнига нисбатан мос равишда 119 ҳамда 141 бандга). Аммо, III чорак охирига келиб, қисқа муддатли инфляцион кутилмаларнинг тез пасайишидан фарқли равишда ўрта муддатли инфляцион кутилмаларда нисбатан секин пасайиш кузатилди (августга нисбатан 18 ҳамда 41 бандга) (3-расм).

Ҳисобот даврида, жисмоний ва юридик шахслар орасида, ўрта муддатли истиқболда нархларнинг “юқори даражада ошиши”ни тахмин қилган респондентларнинг улуши мос равишда 40 ҳамда 39 фоизгача ўсди (июнга нисбатан 17 фоиз бандга ошди). Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида нархларнинг “бироз ошиши”ни кутаётган респондентларнинг улуши 12 ва 6 фоиз бандга қисқариб, мос равишда 22 ва 24 фоизни ташкил қилди.


Ўрта муддатли инфляцион кутилмалар бўйича олинган жавобларнинг ўртача медиана кўрсаткичи нархлар “юқори даражада ошади” ва “аввалги даражада ошади” жавоблари ўртасига тўғри келди (18 ва 20-расмлар).

2019 йил сентябр ойида, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрта муддатли инфляцион кутилмаларининг қисқа муддатлисига нисбатан секинроқ пасайиши, ўз навбатида респондентларда ўрта муддатли истиқболдаги нархлар ўзгариши бўйича ноаниқликлар сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Марказий банкнинг экспертлик хулосаларига кўра, иқтисодиётда қатъий пул-кредит ва мувозанатли макроиқтисодий сиёсатни олиб борилиши инфляцияни барқарорлаштиришга ва респондентларнинг инфляцион кутилмаларининг мўтадиллашишига ёрдам беради.


Таҳлилларга кўра респондентлар нархларнинг келгусидаги даражасини тахмин қилишда уларга таъсир қиладиган бир қатор омилларга асосланади. Хусусан, 2019 йилнинг учинчи чорагида миллий валюта курсининг ўзгариши респондентлар

4-расм. Аҳолининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари бўйича жавоблари тақсими ўзгариши




5-расм. Ўрта муддатли инфляцион кутилмалар индекси динамикаси

а) аҳоли



б) тадбиркорлик субъектлари



томонидан келгусидаги инфляцияни баҳолашда энг биринчи омил сифатида таъкидланди. Аҳолининг 69 фоизи ва тадбиркорлик субъектларининг 70 фоизи валюта курси қадрсизланганда нархлар юқори даражада ошади деб ҳисоблайдилар. Иккинчи ҳамда учинчи ўринларда эса иш ҳақининг ўсиши (мос равишда 54 ва 49 фоиз) ва тарифларнинг оширилиши қайд этилди (мос равишда 39 ва 45 фоиз) (22 ва 23-расмлар).

Сўров натижалари респондентларнинг инфляцион кутилмалари қатор омилларга юқори таъсирчанлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, миллий валюта айирбошлаш курсининг нисбий барқарорлигига олиб келадиған ички ва ташқи макроиқтисодий шароитларнинг сақланиши, шунингдек, иш ҳақи ҳамда тартибга солинадиган нархларнинг мўътадил индексацияси инфляцион кутилмаларнинг пасайиши ва уларнинг барқарор характерга эга бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий кутилмалар


Иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада бўлишига қарамасдан, аҳолининг ўз даромадлари ўсиши бўйича оптимистик қарашлари сақланиб қолмоқда.

2019 йилнинг III чорагида харид қобилиятини баҳолаш натижалари деярли ўзгаришларсиз юқори даражада сақланиб қолди. Хусусан, даромадлари сўнгги 12 ой мобайнида ошганлигини қайд этган респондентларнинг улуши 78 фоизни ташкил этган бўлса, аксинча даромадлари пасайганлигини таъкидлаган респондентларнинг улуши эса 22 фоизни ташкил қилди (24-а-расм).

Шунингдек, “даромадим инфляция даражасида ва нисбатан юқори даражада ошди” жавобларини қайд этган респондентларнинг улуши 5 фоиз бандга камайиб, 36 фоизни ташкил этди. Шунингдек, “даромадим инфляция даражасига нисбатан паст даражада ошди” жавобларини таъкидлаган респондентларнинг улуши эса 4 фоиз бандга ошган ҳолда 39 фоизни ташкил қилди (24-б-расм).


Шу билан бирга, аҳолининг келгусидаги даромадлари ўсиши билан боғлиқ бўлган кутилмаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Келгуси 12 ой давомида даромадлари ўсишини тахмин қилаётган респондентларнинг улуши 77 фоизни ташкил

6-расм. Аҳолининг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари бўйича жавоблари тақсимои ўзгариши




7-расм Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ҳамда кутилаётган инфляция динамикаси

а) аҳоли



б) тадбиркорлик субъектлари



қилган бўлса, аксинча, даромадлари пасайишини кутаётган респондентларнинг улуши эса 23 фоизга тенг бўлди. Аммо, таъкидлаш жоизки, аксарият даромадлари ошишини кутаётган респондентлар нарх даражасининг ҳам мос равишда кўтарилишини тахмин қилмоқдалар (25-расм).

Ўрта муддатли истиқболда даромадлари ошиши бўйича шаклланган юқори кутилмалар иқтисодийётда харид қобилиятининг ошишга таъсир этади ва ички нархларга талаб томондан босимнинг сақланиб қолишига олиб келади.

III чорак якуналари бўйича тадбиркорлик субъектларининг келажакдаги иш ҳақи билан боғлиқ кутилмаларида ўзгаришлар юзага келди. Хусусан, сўровда иштирок этган бизнес вакилларининг 23 фоизи иш ҳақининг 20 фоиздан 30 фоизгача ўсишини кутмоқда (II чоракда 17 фоиз эди), ва шу билан бирга, иш ҳақининг 10 фоизгача кўтарилишини кутаётган респондентларнинг улуши 18 фоизгача камайди (II чоракда 22 фоиз эди) (33-расм).

Респондентларнинг жамғармаларидан фойдаланиш бўйича танловларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Хусусан, респондентларнинг 44 фоизи ўз жамғармаларини тадбиркорлик мақсадида сарфлашни таъкидлаган бўлса, 27 фоизи эса улардан қисман фойдаланишни режалаштирган.

Тижорат банкларининг хорижий валютадаги омонатларида ўз жамғармаларини сақлашни афзал кўрган респондентларнинг улуши жорий чоракда ошди. Хусусан, III чоракда миллий валютанинг қадрсизланиши шароитида, миллий валютада омонатларини банкда сақлашни маъқул кўрадиган респондентларнинг улуши 23 фоизни ташкил қилган бўлса, хорижий валютадаги омонатларда сақлашни афзал кўрувчилар улуши эса сентябрда 24 фоизгача ошди. Шу билан бирга, сентябрь ойида валюта курси барқарорлашганидан сўнг, жамғармаларини нақд АҚШ долларларида сақлашни афзал кўрувчи сўров иштирокчилари улуши 33 фоиздан 29 фоизгача пасайди.

Бироқ, жорий ҳолат ҳамда баланс маълумотларига кўра айирбошлаш курсининг пасайишига қарамай, муддатли депозитларнинг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Шунингдек август ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб ва сентябрь ойи давомида аҳоли ўзининг валюта маблағлари ва жамғармаларини валюта айирбошлаш шахобчалари орқали сотишда фаолият кузатилди.

Таъкидлаш жоизки, қисқа муддатли инфляцион кутилмаларнинг ўсишига қарамай, миллий валютадаги депозитлар ҳажмининг сезиларли даражада пасайиши ёки омонатлар таркибида жиддий ўзгаришлар кузатилмади.

Шу билан бирга, август ойида миллий валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкалари ўсиб боровчи тенденцияга эга бўлди.

Тижорат банклари миллий валютадаги омонатларнинг жозибдорлигини сақлаб туриши борасидаги тезкор чоралари келгуси чоракда ҳам ўз омонатларини миллий валютада сақлашни афзал кўрадиган респондентларнинг кўпайишига ёрдам беради.

Охирги баланс маълумотларига асосланиб, IV чоракда ўз омонатларини сўмда сақламоқчи бўлган респондентларнинг улуши кўпайишини тахмин қилиш мумкин.

Сўров иштирокчиларининг валюта курси бўйича кутилмалари келгуси даврларда миллий валютанинг тебранувчанлик даражасига нисбатан ноаниқлик таъсири остида шаклланди.

Шундай қилиб, аҳолининг 2019 йил якунига айирбошлаш курси бўйича кутилмалари сентябрда ўртача 1 АҚШ долл. 9 837 сўмга, тадбиркорлар кутилмалари эса ўртача 1 АҚШ долл. 9 895 сўмга тенг бўлди (35-расм).

Кредит олиш кайфиятини ўрганиш натижалари III чоракда автокредитдан фойдаланиш истаги борлигини таъкидлаган респондентлар улуши 20 фоизгача ошганини (II чоракка нисбатан 2 фоиз бандга ўсиш) ҳамда оилавий тадбиркорлик мақсадида кредит олишни хоҳловчи респондентлар улуши 14 фоизгача ва ипотека кредитини олиш истагида бўлган респондентлар улуши 13 фоизгача пасайганини кўрсатди (II чоракка нисбатан 2 ва 1 фоиз бандларига камайди) (32-расм).

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

| | |
|-------------------------|--|
| Усул | Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров |
| Жами иштирокчилар | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 900 нафар жисмоний шахслар ва 375 та юридик шахслар |
| Даврийлиги | Ойма-ой |
| Сўров ўтказилган муддат | 2019 йил III чорак |

I. Сўров иштирокчилари таркиби


8-расм

Сўров респондентларининг фаолият соҳаси

а) жисмоний шахслар



б) юридик шахслар




II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

9-расм

Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




10-расм

Нима деб ўйлайсиз охириги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



А) Сизнинг фикрингизча, охириги 12 ойда нархлар қанчага ошди?
 Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Б) Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция
 Медиана усулида ҳисобланган ўртача баҳо, фоизда




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

12-расм

Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



13-расм

Сизнинг фикрингизча, охириги 12 ойда нархлар қанчага ошди?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охири ойда юқори даражада ошди?


Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

15-расм

Сизнинг кузатувларингизга кўра қайси омиллар июнь ойида маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир қилди?



Нима деб ўйлайсиз охириги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

А) Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари



Б) Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари




IV. Инфляцион кутилмалар

Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

17-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



18-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

19-расм

Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



20-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?


А) Жисмоний шахслар

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Б) Юридик шахслар

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

22-расм

Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлади?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

| | 2019m1 | 2019m2 | 2019m3 | 2019m4 | 2019m5 | 2019m6 | 2019m7 | 2019m8 | 2019m9 | 2019q1 | 2019q2 | 2019q3 |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Доллар курсининг ошиши | 67 | 63 | 57 | 65 | 51 | 56 | 60 | 73 | 73 | 63 | 57 | 69 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 44 | 43 | 43 | 41 | 52 | 45 | 60 | 55 | 48 | 43 | 46 | 54 |
| Энергия ресурслари ва коммунал хизматлари | 50 | 50 | 53 | 44 | 36 | 30 | 35 | 40 | 40 | 51 | 37 | 39 |
| Мавсумий омиллар | 19 | 19 | 21 | 19 | 19 | 23 | 20 | 11 | 20 | 20 | 20 | 17 |
| Солиқ юкининг оширилиши | 41 | 47 | 45 | 40 | 21 | 20 | 22 | 17 | 20 | 44 | 27 | 19 |
| Экспорт ҳажмининг ошиши | 24 | 23 | 24 | 25 | 12 | 16 | 13 | 8 | 11 | 24 | 18 | 10 |
| Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши | 13 | 14 | 17 | 18 | 14 | 16 | 10 | 11 | 13 | 15 | 16 | 11 |
| Транспорт харажатлари ошиши | 38 | 33 | 34 | 27 | 19 | 13 | 17 | 18 | 23 | 35 | 20 | 19 |
| Айрим товарлар импорти чекланиши | 14 | 12 | 10 | 13 | 11 | 12 | 8 | 8 | 12 | 12 | 12 | 9 |
| Рақобат муҳитининг ёмонлашиши | 9 | 12 | 12 | 14 | 10 | 10 | 9 | 11 | 13 | 11 | 11 | 11 |

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

23-расм

Сизнинг кутилмаларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар келгуси 12 ойда юқори даражада ошади?

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

| | 2019m1 | 2019m2 | 2019m3 | 2019m4 | 2019m5 | 2019m6 | 2019m7 | 2019m8 | 2019m9 | 2019q1 | 2019q2 | 2019q3 |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Доллар курсининг ошиши | 71 | 65 | 53 | 61 | 65 | 60 | 60 | 74 | 77 | 63 | 62 | 70 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 42 | 40 | 46 | 35 | 51 | 43 | 48 | 50 | 50 | 42 | 43 | 49 |
| Солиқ юкининг оширилиши | 59 | 51 | 51 | 42 | 38 | 35 | 29 | 21 | 26 | 54 | 38 | 25 |
| Энергия ресурслари ва коммунал хизматлари | 55 | 59 | 50 | 47 | 51 | 32 | 44 | 46 | 44 | 55 | 43 | 45 |
| Транспорт харажатлари ошиши | 38 | 40 | 38 | 34 | 27 | 25 | 24 | 26 | 30 | 39 | 28 | 27 |
| Мавсумий омиллар | 21 | 18 | 20 | 20 | 20 | 22 | 16 | 16 | 18 | 20 | 21 | 17 |
| Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши | 14 | 13 | 15 | 14 | 14 | 13 | 7 | 8 | 9 | 14 | 14 | 8 |
| Рақобат муҳитининг ёмонлашиши | 13 | 16 | 13 | 14 | 15 | 11 | 13 | 9 | 10 | 14 | 13 | 11 |
| Экспорт ҳажмининг ошиши | 20 | 17 | 18 | 18 | 13 | 8 | 6 | 5 | 6 | 18 | 13 | 6 |
| Айрим товарлар импорти чекланиши | 13 | 14 | 13 | 7 | 13 | 7 | 9 | 7 | 10 | 13 | 9 | 9 |


V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари

24-расм

Охирги 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгардими?


А) Даромадлар ўзгариши

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Б) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Келгуси 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгарадими?

А) Даромадлар ўзгариши

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Б) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги муносиблик

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари

26-расм

Агар Сизда жамғармангиз бўлганда уни қандай ишлатишни хоҳлаган бўлардингиз?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



27-расм

Нима деб ўйлайсиз ҳозирги вақтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган маъқул?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати

28-расм

Бугунги кунда сизда жорий банк кредити борми (тўлов муддати тугалланмаган)? Агар бўлса, қайси турдаги кредит (кредитлар)?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



29-расм


Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?

Медиана усулида ҳисобланган ўртача баҳо, фоизда




Келгуси 12 ойда сиз ёки оила аъзоларингиз кредит ҳисобидан буюмлар харид қилишни ёки банк кредити олишни мўлжаллаяпсизми?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



Келгуси бир йил давомида айнан қайси кредит (кредитлар) туридан (турларидан) фойдаланмоқчисиз?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари


Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Сизнинг фикрингизча 2019 йил июнь охирида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?

Белгиланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати (сўмда)



Сизнинг фикрингизча 2019 йил охирида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?

Белгиланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати (сўмда)



© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2019

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланган.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: bhamraev@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22